

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМАНОВА СОХИБА БАХОДИРОВНА

**СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ
БОШҚАРУВИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Сулайманова Сохиба Баходировна

Суғд воҳасида Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқаруви..... 5

Сулайманова Сохиба Баходировна

Управление Западно-Тюркского каганата в Согдийском оазисе..... 27

Sulaymanova Sokhiba Bakhodirovna

Rule of the Western Turkic Khaganate in the Sogd oasis..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМАНОВА СОХИБА БАХОДИРОВНА

**СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ
БОШҚАРУВИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.2.PhD/Tar485 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоёров Ғайбулла Боллиевич
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мавлонов Ўктам Махмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Раимқулов Абдусабур Аззамович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD 03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "28" "03" кунни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: ((0 375) 225-34-13); факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (90 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "10" "03" кунни тарқатилди.
(2022 йил "10" "03" даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж. Эшов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий
котиби, т.ф.н., доцент

Ю.А. Эргашева,
Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг катта бир қисмини эгаллаган Евросиё кенгликлариди, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё минтақасида юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнлар жаҳон тарихшунослигида қарийб юз йилдан бери алоҳида ўрганилиб келинмоқда. Евросиё ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш долзарб бўлиб турган бугунги кунда кўчманчишунослик ва маданий антропология йўналишларидаги тадқиқотларга эҳтиёж сезилмоқда. Шу жиҳатдан олганда иқтисодий негизи кўпроқ кўчманчи чорвадорлар дунёсига бориб туташувчи марказий осиелик кўчманчи ва ўтроқ элатлар тарихини ўрганиш долзарблик касб этади.

Марказий Осиё кўчманчилари томонидан қурилган ўнлаб йирик империялардан бири бўлмиш Турк хоқонлиги, айниқса, унинг Ғарбий қаноти (Ғарбий Турк хоқонлиги – 568-740) Амударё-Сирдарё оралиғидаги ўнлаб ўтроқ воҳаларни бошқарган бўлиб, тадқиқотчилар унга турли тилларда сўзлашувчи, фарқли маданиятларга мансуб халқларнинг ўзаро тотувлигини таъминлаган салтанат сифатида қарайдилар. Шу боис, жаҳоннинг Европа, АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Туркия каби етакчи давлатларидаги илмий мактаблари, хусусан, Марказий Осиё тадқиқотлари марказларида Турк хоқонлиги ва Суғд (Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида жойлашган тарихий-географик вилоят) тарихини ўрганиш бўйича алоҳида илмий йўналишлар фаолият олиб боради. Улар орасида, айниқса, Англия, Франция, Россия ва Туркиядаги тарихчи, минтақашунос, турколог, эроншунос, шу жумладан, суғдшунос олимларнинг ишлари алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик тарихида алоҳида ўрин эгаллаган Ғарбий Турк хоқонлиги ва Суғд тарихини ўрганиш мустақиллик йилларида республика тарихчи олимларига муҳим вазифалардан бири сифатида қўйилди. Сабаби, бу даврда юз берган тарихий воқеликлар кейинчалик минтақа ҳаётида муҳим рол ўйнаган бир қатор давлат уюшмаларининг шаклланишида ўзига хос ўрин тутибгина қолмай, балки ўнлаб этносларнинг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Шунингдек, бу даврда минтақада турли халқлар орасида интеграцион жараёнлар янада кучаяди ва “турк-суғд симбиози” тобора фаоллашади. Натижада Марказий Осиё цивилизацияси ўзининг навбатдаги тараққиёт палласига қадам қўяди. Шу жиҳатдан олиб қараганда минтақа халқлари, хусусан, ўзбек халқининг этник шаклланишида катта рол ўйнаган ушбу этнослар давлатчилиги тарихини Ғарбий Турк хоқонлиги ва Суғд ҳукмдорликлари – мулкликлари: Самарқанд, Иштихон, Панч, Кеш, Нахшаб ва ҳ.к.лар доирасида ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармон // <https://lex.uz/docs/3107036>

ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 18 январдаги Ф-5181-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа қарорларда белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни муайян даражада бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг “Демократия ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муамонинг ўрганилганлик даражаси. Буюк Турк хоқонлигининг (552-744) таркибий бир қисми сифатида вужудга келган Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) 20 дан ортиқ вассал ҳукмдорликларни ўз ичига олган бўлиб, вассаллар бошқарувида қандай усул ва воситаларга мурожаат қилинганлиги кам ўрганилган масалалардан биридир.

Ушбу муаммо қисман бўлса-да, айрим тадқиқотчиларнинг илмий нашрларида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидан ўз аксини топа бошлаган. Кейинги йилларда мавзунинг у ёки бу жиҳатлари тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган. Мавзу тарихшунослигига тадқиқотнинг биринчи боб иккинчи параграфи бағишланган ва авторефератнинг асосий қисмида ушбу боб юзасидан олинган хулосалар батафсил тақдим этилади. Қолаверса, тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Ғарбий Турк хоқонлиги ва Суғд орасидаги муносабатларнинг фақат айрим жиҳатларига тўхталган бўлиб, хоқонликнинг вассаллар бошқаруви тизимини Суғд воҳаси ҳукмдорликлари доирасида ёритувчи алоҳида махсус тадқиқот олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф8-022 “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” (2016-2020 йй.) номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Суғд воҳаси бошқарилишини ўрганиш орқали кўчманчи ва ўтроқ маданиятлар орасидаги ўзаро таъсирларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Суғд воҳаси бошқарилувининг мазмун ва моҳиятини ёритиш;

Суғд воҳасидаги маҳаллий сулолаларнинг келиб чиқиши масаласига аниқлик киритиш;

Суғд воҳасининг бошқарувида пайдо бўлган айрим янги туркий сулолаларнинг ташкил топиши ва кучайиши жараёнларини ҳар томонлама ёритиш;

Суғд воҳасида зарб қилинган туркий тангаларни аниқлаш ва улардаги бошқарувга оид маълумотларни таҳлил қилиш;

Хоқонлик даврида Суғд воҳаси ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муҳитини кўриб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Суғд воҳаси танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан олиб борилган Суғд воҳасининг вассал бошқаруви ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда типологик, солиштирма ва комплекс таҳлил каби усуллардан, муаммовий-хронологик ёндашувлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Турк хоқонлиги Суғд воҳасини маҳаллий ва хоқонликка хос “тудун”, “элтабар”, “тархон”, “чўр” каби туркий, “афшин”, “ихшид”, “ихрид”, “испахбод” сингари суғдий унвонларга эга амалдорлар воситасида бошқарганлиги, айрим ҳукмдорлик-мулкликларда мавжуд сулолаларни ўз ўрнида қолдиргани, айрим ҳукмдорликлар бошқарувига эса ўз вакилларини тайинлагани аниқланган;

Суғд воҳасидаги маҳаллий сулолаларнинг келиб чиқиши масаласига нумизматик топилмалар, хитой, византия, арман, суғд ва туркий-руний ёзма манбалари асосида аниқлик киритилиб, Самарқанд ва Панжда туркий-суғдий сулолалар, Нахшабда эса туркий сулола бошқарувининг ўрнатилгани далилланган;

Нахшаб ҳукмдорлигининг жануби-ғарбий ҳудудлари (Касби) Ғарбий Турк хоқонлиги қўшинлари учун ҳарбий қўналға вазифасини ўтагани, хоқонлик қўшинлари бу ердан туриб Сосонийлар Эронига қарши юришлар уюштиргани аниқланган;

Хоқонлик даврида Афросиёб (Самарқанд) ва Панжикент деворий расмларида суғдий аслзодалар билан бирга кўплаб туркий қиёфали амалдорларнинг тасвирланиши, сопол ва металл буюмлар сиртидаги тасвирларда Суғд воҳасида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнлари акс этганлиги, ҳамда турли элат вакилларини акс эттирувчи антропологик тип ва уларга хос кийим-кечак, соч турмаги, камар ва унинг тақинчоқлари, тўқалар, қурол-яроғлар тасвирида туркий-суғдий анъаналарнинг устуворлик қилгани исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Суғд воҳасининг Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан бошқарилиши натижасида Самарқанд, Панч, Нахшаб каби ҳукмдорликларда хоқонликка алоқадор туркий ва туркий-суғдий сулолалар бошқаруви ташкил топгани, воҳанинг Кеш, Иштихон, Кушония ва яна бир қатор ҳукмдорликларида эса хоқонлик бошқаруви билвосита йўлга қўйилгани, бу эса минтақа халқлари,

шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги анъаналарининг такомиллашувига ўз ҳиссасини қўшгани кўрсатиб берилган;

Кўп йиллардан бери тадқиқотчилар диққат-эътиборида бўлиб келган айрим тортишувли масалаларга аниқлик киритилган. Яъни “Суғд воҳасида Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви мустаҳкам бўлмаган, хоқонлик воҳадаги ҳукмдорликлардан асосан ўлпон олиб туриб, уларнинг ички бошқарувига аралашмаган” мазмунидаги қарашларнинг бирёқлама эканлиги кўплаб мисоллар орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишдаги ҳар бир масала ёзма ва моддий манбалар билан таққосланганлиги билан изоҳланиб, мазкур мавзуга яқин йўналишларда амалга оширилган илмий тадқиқотлардаги фикр ва мулоҳазалар жалб қилинганлиги, тарих фанида тан олинган усуллар ва назарий ёндашувларнинг қўлланилганлиги, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан ўз тасдиғини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бакалавр – тарихчи талабалар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанлари ҳамда магистратура босқичи “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги бўйича “Ўрта Осиё шаҳарлари тарихий топографияси” фанидан ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тарих фанининг Цивилизациялар тарихи, Этномаданият, Ўзбекистон тарихи, Тарихий география, Манбашунослик соҳаларидаги фанлараро янгича ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, қадимги тарихга оид илмий-назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга имкон беришда кўринадди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғарбий Турк хоқонлигининг Суғд воҳасидаги бошқарувини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган натижалар ва хулосалардан:

Хоқонлик даврида Афросиёб (Самарқанд) ва Панжикент деворий расмларида суғдий аслзодалар билан бирга кўплаб туркий қиёфали амалдорларнинг тасвирланиши, сопол ва металл буюмлар сиртидаги тасвирларнинг Суғд воҳасида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнлари маҳсули сифатида турли элат вакиллари акс эттирувчи антропологик тип ва уларга хос кийим-кечак, соч турмаги, камар ва унинг тақинчоқлари, тўқалар, қурол-яроғлар тасвирида туркий-суғдий анъаналарнинг устуворлик қилгани ҳақидаги тадқиқот натижаларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-029 рақамли “Ўзбек давлатчилиги тарихида суғдий тил ва ёзувининг тутган ўрни (мил.ав. II милодий XII асрлар)” мавзусидаги фундаментал грант лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2021 йил 16 ноябрдаги 379-сон маълумотномаси). Натижада тарихнинг Қашқадарё ва Зарафшон ҳавзаларидаги давлатчилик ва унда Турк хоқонлигининг таъсирига оид хулосалар ва материаллар билан бойитилишига эришилган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” каналида эфирга узатилган “Taqdimot” кўрсатувида Суғд воҳасининг Ғарбий Турк хоқонлиги давридаги тарихини ёритишда, илк ўрта асрлар даври археологик ёдгорликлар ва моддий маданиятини тадқиқ қилиш жараёнига аниқланган янгиликлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали давлат муассасасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 01-02-1499 – сон маълумотномаси). Бу кўрсатув Турк хоқонлиги ва Суғд воҳасидаги давлатчилик анъаналари, уларнинг ўзаро таъсири тўғрисида тушунчалар ҳосил бўлишида ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, 6 та мақола тўпламлардаги илмий тезис ҳамда мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар, шартли қисқартмалар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 154 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилингани, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Суғд воҳасининг илк ўрта асрлар тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги**” деб номланган. Унинг “*Илк ўрта асрлар ёзма ва археологик манбаларида Суғд воҳаси тарихининг акс этиши*” ҳақидаги биринчи параграфда мавзуни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга манбалар тадқиқи ва таснифи амалга оширилган.

Суғд воҳасида сиёсий-маъмурий тузилишига кўра асосан Зарафшон дарёсининг юқори ҳамда ўрта ҳавзалари ва Қашқадарё воҳасидаги ўнга яқин катта-кичик ҳукмдорлик – мулкликларни ўз ичига олувчи конфедератив тузилма сифатида илк ўрта асрларда мавжуд бўлган². VI-VIII асрлар, яъни Турк хоқонлиги (552-744) даврида Суғд конфедерацияси муайян бир муддат

² Отаҳўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент, ART-FLEX, 2010. – Б. 64-68; Ғойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, 2020. – Б. 12-19.

Кеш (Шахрисабз), кўпроқ Самарқанд марказий ҳокимият сифатида тан олинган Панч (Панжикент) – Маймурғ, Кабудон (Ғубдин), Фай, Иштихон, Кушония (Катттакўрғон) ва Нахшаб каби ҳукмдорликларни ўз ичига олади.

Ҳоқонликнинг Суғддаги бошқарувига доир маълумотларни тақдим этувчи манбаларни асосий ва иккинчи даражали манбалар гуруҳларига бўлиб ўрганиш мумкин. Асосий манбалар қаторига хитой ва суғдий манбаларни киритиш мумкин, иккинчи даражали манбалар рўйхатини эса византия (юнон тилида), арман, турк, араб-форс тилидаги манбалар ташкил этади.

Хитой манбалари ичида “Бэй-ши”, “Суй-шу”, “Тан-шу” каби йилномалар ва Сюан Цзан (629-645), Хой Чао сингари сайёҳларнинг эсдаликларида ҳоқонлик ва Суғд алоқалари тилга олинади³. Хитой манбаларида *Су-тэ*, *Су-ле*, *Кан* атамалари остида тилга олинган Суғднинг сиёсий-маъмурий бирликлари Самарқанд – *Кан* кўринишида, айрим ҳолларда эса *Сивангин*, *Самогян*, қолган ҳукмдорликлар эса *Ми*, *Мими*, *Ми-Маймурғ*, *Цао* – Иштихон, *Ўрта Цао*, *Ғабудан / Киенутана* – Кабудон, *Хэ*, *Кушуанникиа* – Кушония, *Ши*, *Кюеше*, *Киеншуанна* – Кеш, *Нашебо*, *Нашеболо*, *Кичик Ши* – Нахшаб кўринишларида⁴ келтирилади. “Бэй-ши” ва “Суй-шу” йилномаларида *Кан* (Самарқанд) ҳукмдори Ғарбий турк ҳукмдори *Даду* (Тарду) ҳоқоннинг қизига уйлангани эслатилгач, бироз кейинги сатрларда Кан ҳукмдорлигининг кучли давлат деб ҳисобланиши ва унга Ғарбий ўлкалардаги ҳукмдорликларнинг катта қисми бўйсунуши айтиб ўтилади: *Ми* (Маймурғ), *Ши* (Кеш), *Цао*, *Хэ* (Кушония), *Кичик Ан* (Кармана), *Нашебо* (Нахшаб), *Унагэ*, *Му* (Амул – Чоржуй)⁵. “Тан-шу” йилномасида эса Самарқанд ҳукмдори *Гюймучжи* Ғарбий Турк ҳоконининг қизига уйлангани ва ҳоқонликка бўйсунгани тилга олинади⁶. Тадқиқотчилар ушбу Самарқанд ҳукмдори VII аср илк чорагида ҳукм сургани ва Ғарбий турк ҳукмдори Тун Ябғу-хоқон (618-630) томонидан қўллаб-қувватланиб, унинг қизига уйланганини ёзадилар⁷.

Суғдий тилли манбалар – асосан бу Муғ тоғидан топилган VIII аср илк чорагига тегишли 80 ортиқ ҳужжатлар тўплами бўлса⁸, нумизматик материаллар эса VI-VIII асрларда Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб ва яна бир қатор воҳа

³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. – Л.: Изд. АН СССР, 1950. Том II. – С. 260-267, 285-288, 310-318, 321-325; Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ, 1952, № 1. – С. 189-191; Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – М.: Наука, 1991; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – S. 112-114, 126-131, 135-136.

⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах. ..., – С. 264, 271-272, 274-275, 280-281, 286-287, 310-313, 315-317; Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. – Самарқанд, 2009. – С. 142-144.

⁵ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... – С. 271, 281.

⁶ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ..., – С. 311.

⁷ Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. – Ankara, 2002. – Vol. 2. – P. 364-372.

⁸ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М., 1962; Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой. – М., 1963; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 57-100.

хукмдорликларида зарб қилинган танга-пуллардир⁹. А-9, А-14, В-17, В-18 рақамли Муғ хужжатлари хоқонлик ва Панч орасидаги сюзерен ва вассаллик алоқаларини ўрганишда муҳим ўрин тутди¹⁰. VIII аср илк чорагида нафақат Панч хукмдорлиги, балки Суғд бошқарувига даъво қилган Деваштич (709-722) В-17 рақамли хужжатдан англашилишича, хоқондан ўзига “юксак мартаба ва эҳтиром”, яъни ёрлик келганига урғу берган бўлиб, бир қатор изланувчиларга кўра, бу билан у ўзини турк хоқонининг вассали сифатида билишини ифодалаган. А-14, В-17 ва В-18 рақамли хужжатларда Турк хоқонлиги ва унинг бошқарувчилари “хун” атамаси остида тилга олинган бўлиб, улар минтақадаги етакчи сиёсий куч, айниқса, араб босқинчиларига қарши кучларнинг бошини бириктирувчилар сифатида билинган¹¹.

Араб-форс тилларидаги манбаларга келсак, Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва мамлакатлари тарихи”) (IX аср), Абу Бакр ан-Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарларида турк хоқонларининг Суғддаги илк фаолиятлари, Қорачурин турк хоқон ва унинг Бухорога юборилган ўғли Шери Кишвар (Эл-Арслон)нинг фаолияти тилга олинган¹². Диноварий эса Сосонийлар Эрони ва Турк хоқонлиги Хайтал (Эфталит)лар давлатини тор-мор қилиб, унга тегишли худудларни ўзаро бўлиб олишгани, турклар Чоч, Фарғона, Суғд ва Бухорони қўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон ва Кобулистонни ўзига олганини эслатиб ўтади¹³. Табарий асарида Самарқанд хукмдори Ғурак (738) араблар билан учрашганда, ўзини хоқоннинг қулларидан ва чокар (хос аскар)ларидан бири сифатида билиши борасида маълумот учрайди¹⁴.

Византия (юнон тилидаги) манбаларининг сезиларли бир қисми Турк хоқонлиги даврида хоқонликнинг бошқарув маркази – Етгисувга келиб, турклар ва суғдийлар ҳаёти билан танишиб, улар тўғрисида византияликларга сўзлаб берган элчиларнинг маълумотларини ўз ичига олади. Юнон манбаларида хоқонлик томонидан 560-йилларда Сосонийлар Эронига юборилган элчиларга суғдий савдогар Маниах бошчилик қилгани, 570-йилларда эса ҳарбий иттифок

⁹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970; Ртвеладзе Э. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н.э.). – Ташкент, 2006; Баратова Л. С. К исторической интерпретации титула «каган» на древнетюркских монетах Средней Азии конца VII – первой половины VIII вв. // ИЦА. – Ташкент, 1998. – Вып. III. – С. 41-43; Baratova L. Altürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6. –10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan. – Berlin, 1999. – Band 31. – P. 219-292; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах а с титулом «хатун» // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. V Республика конференция материаллари. 5-илмий тўплам. 2-қисм. – Тошкент, 2013. – Б. 95-107.

¹⁰ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155-196.

¹¹ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days ..., P. 155-196; Исҳоқов М., Бобоёров Ф., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар ... – Б. 64-71, 81-85.

¹² Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулев таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 91.

¹³ Chavannes E. Documents sur les..., – P. 229; Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conguest // Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg, 1971. – P. 482-483; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 201; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2001. – Б. 81.

¹⁴ История ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с араб. В.И.Беляева. Допол. к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова). – Тошкент: Фан, 1987. – С. 225.

тузиш мақсадида хоқонлик томонидан Византияга жўнатилган элчиларга ҳам айнан унинг бошчилик қилиши борасида маълумотлар учрайди¹⁵.

Себеос (VII аср), Анания Ширакаци (VII аср), Моисей Каланкаваци (VII аср)¹⁶, Моисей Хоренаци (VIII аср) каби арман тарихчи ва географлари асарларида эса асосан Турк хоқонлиги, қисман эса Суғд тарихини акс эттирувчи қисқача маълумотлар ўрин олган. Сосонийлар қўшини 590-йилларда *Вехрод* (Амударё)ни кечиб ўтиб *Казбион* деб аталадиган мавзегача етиб боргани ва бу ерда хоқонлик қўшинлари билан тўқнашгани тўғрисида арман муаллифлари келтирган маълумот муҳим аҳамиятга эга.

Арман тилидаги географик асар “Ашхарацуиц”да келтирилган “Скифия, яъни Апахтарк, ки бу Турклар (мамлақати)дир, Этил (Волга дарёси)дан бошланади ва Эмавон (Помир?)га бориб етади, ундан Чинлар мамлақатигача чўзилади. ... Скифияда 44 та халқ яшайди: суғдийлар, тохарлар, эфталийлар ва бошқа варварча исмли халқлар” мазмунидаги маълумот¹⁷ Турк хоқонлиги қўл остидаги турли халқлар тўғрисида муайян тасаввур бериш билан бирга, суғдийлар хоқонликдаги асосий элатлардан бири бўлганини кўрсатади.

Суғд ва хоқонлик алоқаларига тегишли маълумотлар пахлавий, сурёний, турк каби яна бир қатор тиллардаги манбаларда ўз аксини топган бўлиб, улар орасида илк ўрта асрларга оид турк битиктошларида учрайдиган айрим маълумотлар Фарбий Турк хоқонлиги ва Суғд муносабатларига бирмунча ойдинлик киритади. Хусусан, битиктошларда хоқонлар тилидан ўз ота-боболарининг Суғдгача юриш қилиб, унинг чегарасидаги Темир-қапиг (Дарбанд/Бойсун тоғи)гача етиб боришгани тилга олинади¹⁸.

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфи “*Фарбий Турк хоқонлиги даври Суғд воҳаси тарихининг ўрганилиши*” деб номланган. Суғд тарихи бўйича кўплаб изланишлар олиб борилган бўлса-да, Фарбий Турк хоқонлиги ва унинг Суғддаги бошқаруви масаласи бугунга қадар комплекс тарзда ўрганилмаган. Суғд тарихи бўйича махсус изланишлар олиб боришнинг бошланиши XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига бориб тақалади. Бу даврда инглиз олимлари В.Томашек, Х.Гибб, немис шарқшуноси Й.Маркварт, француз хитойшуноси Э.Шаванн, россиялик машҳур тарихчи В.В.Бартольднинг ишларида Суғд тарихига кўпроқ эътибор қаратилган¹⁹. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб то шу асрнинг 90-йилларигача бўлган ярим асрдан ортиқ бир давр мобайнида эса С.Г.Кляшторный, Л.Н.Гумилев, О.И.Смирнова, В.А.Лившиц, Л.И.Альбаум, А.Беленицкий, С.К.Кабанов каби совет тарихчилари²⁰, шу

¹⁵ Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 64; Haussig H.W. İpek Yolu ve Orta Asya Kültür Tarihi. Çev. M. Kayayerli. – İstanbul, 2001. – S. 187.

¹⁶ Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V-VII вв. – М.: Наука, 1979.

¹⁷ Тер-Мкртчян Л.Х. Армянские источники о Средней Азии V-VII вв. – М.: Наука, 1979. – С. 60-61, 63.

¹⁸ Содиков Қ. Қадимги туркий битиглар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 118-119.

¹⁹ Tomaschek W. Central asiatische Studien, I. Sogdiana. – Wien, 1877; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – P. 229; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901.

²⁰ Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ, 1954. – № IX. – С. 55-64; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – Л., 1967; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970; Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. – №4. – М.: Наука, 1979. – С. 56-69; Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. – Тошкент: Фан, 1975; Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и раннесредневековья (III–VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977 ва б.

жумладан, марказий осиёлик Б.Ғофуров, Г.Ғойбов, Р.Сулаймонов, М.Исҳоқов каби тарихчи ва археолог олимлар²¹ Суғд ва ундаги ҳукмдорликлар, уларнинг ҳоқонлик томонидан бошқариши масаласига тўхталишган. Улар орасида О.И.Смирнова Суғд ҳудудида – Самарқанд ва Панч (Панжикент)да туркий унвонли тангалар масаласига анча кенг эътибор қаратган. В.А.Лившиц эса Панчга тааллуқли Муғ тоғи суғдий ҳужжатларини тадқиқ этиш баробарида ҳоқонлик – Панч орасидаги муносабатларга тўхталган.

Мустақиллик йилларида эса А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, Р.Сулаймонов, М.Исҳоқов каби ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг сафи кенгайиб, Ш.С.Камолиддин, А.Хўжаев, Л.С.Баратова, Ж.Ильясов, А.Маликов, А.Отахўжаев, А.Райимқулов, Ғ.Бобоёров, А.Кубатин, Б.Ғойибов, А.Сандибоев каби тадқиқотчилар ўз изланишларида Суғд ва Ғарбий Турк ҳоқонлиги орасидаги сиёсий алоқаларга анча кенг эътибор қаратишганини²² айтиб ўтиш зарур. Улар орасида М. Исҳоқов ва А.Отахўжаевлар ўз тадқиқотларида турк-суғд муносабатларига тўхталиш баробарида, Суғддаги туркий сулолалар, хусусан, Панчдаги туркий ҳукмдорлар масаласига ҳам диққат қаратишган. Ғ.Бобоёров тадқиқотларида эса Ғарбий Турк ҳоқонлигининг вассаллар бошқарувида Суғд масаласига ҳам қисқача тўхталиб ўтилган²³. Тадқиқотчи асосий эътиборни ҳоқонлик таркибида бўлган 20 дан ортиқ вассал ҳукмдорликлар бошқаруви доирасида тадқиқ этишга қаратганлиги сабабли Суғд бошқарувида чуқур тўхталмаган. Б.Ғойибов Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни масаласини ёритиш жараёнида ҳоқонлик томонидан ушбу ҳукмдорлик бошқарилувининг айрим масалаларига эътибор қаратган²⁴. А.Сандибоев эса ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида Маймуғ мулклиги – ҳукмдорлиги тарихини ёритиш мобайнида Суғддаги бошқарув масаласига ҳам бирмунча тўхталиб ўтган²⁵.

²¹ Гафуров Б.Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972; Гойбов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе: Дониш, 1989.

²² Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992; Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Тошкент, 1995; Асқаров А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОНУ. – Ташкент, 1997. – № 3-4. – С. 65-76; Сулейманов Р. Древний Нахшеб. – Ташкент, 2000; Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Ташкент: Узбекистан, 1996; Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI-VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). Автореф. на соиск. учен. степени канд. наук. – Самарканд, 2000; Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // НЦА. Вып. VII. – Ташкент, 2004. – С. 54-61; Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Самарканд (Канго) // Материалы научно-практической конференции на тему «Актуальные проблемы китаеведения. Вопросы филологии, политики, экономики и философии». – Ташкент, 2007; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент, ART-FLEX, 2010; Бабаяров Г., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандского Согда // Тарих тафаккури. “Баркамол авлод” йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами. Масъул муҳаррир ва тузувчи: Ш.Ҳ.Воҳидов. – Бухоро, 2010. – С. 22-32; Ғойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. – Самарканд, 2020; Сандибоев А. Маймуғ мулклиги илк ўрта асрларда (археологик ва ёзма манбалар асосида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 49 б.

²³ Бобоёров Ғ. Турк ҳоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақида // O'zbekistan tarixi. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 71-79; Турк ҳоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. – Б. 119-129.

²⁴ Ғойибов Б.С. Место владения Панч в конфедерации Согда (на примере раннего средневековья). Автореф. дисс. на соискание учен. степ. канд. ист. наук. – Ташкент, 2011. – 24 с.

²⁵ Сандибоев А. Маймуғ мулклиги илк ўрта асрларда (археологик ва ёзма манбалар асосида)... – Б. 20-22.

Охирги йилларда Суғд тарихини хоқонлик тарихи билан боғлаб ўрганиш чет элларда анчагина кенгайган бўлиб, улар орасида француз олимлари П.Шювен, Ф.Гренэ, Э.Де ла Вессьер, германиялик З.Штарк, америкалик Ж.К.Скэфф, япониялик Ё.Ютака, хитойлик Юй Тайшанларнинг изланишларини кўрсатиб ўтиш мумкин²⁶. Хусусан, Ж.К.Скэфф хоқонлик ва унинг вассаллари орасидаги ўзаро муносабатларни қисқача тадқиқ қилган бўлиб, тадқиқотчининг Суғд борасида билдирган фикрлари ўзининг анчагина кенг кўламлилиги билан ажралиб туради.

Мавжуд илмий адабиётларнинг хулосалари ва манбалардаги маълумотларга асосланган ҳолда бу даврда Суғдда сиёсий-маъмурий тузилишига кўра конфедератив бошқарув амал қилиб, муайян бир вилоят ёки туман миқёсидаги ҳукмдорликлар ўз ички бошқарувида мустақил бўлиб, ўлкадаги марказий ҳокимият ҳисобланган Самарқанд орқали хоқонликка бўйсунганликларини хулоса қилиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Суғд воҳасида Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувининг ўрнатилиши**” деб номланган. Ушбу бобнинг “*Суғд воҳасининг хоқонлик таркибига киритилиши*” номли илк параграфида VI аср иккинчи ярми – VIII аср биринчи ярми Суғд ва унга қўшни ҳудудларнинг Турк хоқонлиги таркибида бўлган давр сиёсий воқеликлари ёритилган. “Бей-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби хитой йилномаларида 550-560-йиллар орасида “*Ту-кюе (Турк хоқонлиги) Жуан-жуан хоқонлигини тор-мор қилди, орадан кўп ўтмай Ғарбий ўлкалардаги Ида (Эфталит)лар давлатини мағлубиятга учратиб, унинг қўл остидаги ҳудудларни қўлга киритди*” деган мазмундаги маълумотлар²⁷ бундан дарак беради. Хитойликлар “Ғарбий ўлкалар” деганда кўпроқ Шарқий Туркистон ва Амударё-Сирдарё оралиғидаги ўтроқ тарихий-географик вилоятларни кўзда тутишган бўлиб, улар орасида Суғд воҳаси ҳам жой олган.

Ўрхун битиктошларида ҳам Суғд ўлкаси “Суғдақ” шаклида тилга олиниб, хоқонликнинг жануби-ғарбдаги энг чекка ҳудудларидан бири сифатида кўрсатилган. Жумладан, Кул Тегин ва Билга хоқон битиктошларида хоқонлик ташкил топган илк йиллардан оқ Суғд воҳасини ўз қўл остига олгани айтилган²⁸.

Суғд воҳаси ўша кезларда бир муддат хоқонликнинг жануби-ғарбдаги чекка ҳудудларидан бири бўлган. Арман манбаларида VI аср охирларида “Казбион” деб аталадиган мавзеда хоқонлик қўшинлари жойлашгани тилга олиниб²⁹, тадқиқотчилар бу ерда Нахшаб (ҳозирги Қарши) шаҳри кунботар томонидаги Касби тумани назарда тутилганлигини айтадилар. Хоқонлик

²⁶ Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases ..., – P. 364-372; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155-196; Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems // JA. – Paris, 2003. – No. 1-2 291). – P. 35-67; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008; Taishan Yu. History of the Yeda Tribe (Nephthalites)// Eurasian Studies. Vol. I. – P. 066-119.

²⁷ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... I. – С. 229.

²⁸ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент, 1982. – Б. 103.

²⁹ Тревер К. В. Кушаны, хионии и эфталиты по армянским источникам IV-VII вв. (К истории народов Средней Азии)//СА. – М., 1954. – № XXI. – С. 140.

қўшини Эфталитларга илк зарбани 560-йилларнинг бошида Чоч воҳасида Гулзариюн (Сирдарё) қирғоғида берган бўлса³⁰, сўнгги зарбани 565 йилда Бухоро ва Нахшаб атрофида беришади. Натижада Нахшабдаги маҳаллий сулола бошқарувига чек қўйилиб, шаҳарнинг ўрни Қашқадарё яқинига кўчирилади ва хоқонлик билан алоқадор сулола ҳокимият тепасига келади³¹. Бу ерда сулола алмашинуви юз берганини ўша даврга оид узун сочли, қисик кўзли, дўмалоқ юзли ҳукмдор тасвирланган Нахшаб тангалари ҳам тасдиқлайди³².

Хоқонлар Самарқанд ҳукмдорларига ўз қизини узатиш орқали уларнинг мавқеини оширган ва улар воситасида воҳадаги қолган ҳукмдорликларни назоратда тутишган. “Бэй-ши” ва “Суй-шу”да *Кан* (Самарқанд) ҳукмдорларидан Шифубининг хотини турк хоқони *Даду* (Тарду; 576-603) хоқоннинг қизи эканлиги айтилса, “Тан-шу”да эса Самарқанд ҳукмдори Кюймучжининг Суй сулоласи (581-618) даврида Ғарбий турк хоқони *Шеху кехан* (Ябғу-хоқон) нинг қизига уйлангани қайд қилиниб, “*у шу вақтдан эътиборан туркларга бўйсунди*” дея таъкидлаб ўтилади³³.

VII аср иккинчи ярмига келиб, Самарқанд бошқарувида сулола алмашинуви юз бериб, туркий-суғдий аралаш сулола вакиллари ҳокимият тепасига чиққанлар. Тархун, Ғурак, Турғар каби Самарқанд ҳукмдорлари келиб чиқиши жиҳатидан шундай сулолага мансуб бўлганлар³⁴. Самарқанд бошқарувчилари ўзини хоқоннинг махсус ҳарбий хизматчиларидан бири, деб билишган. Араб манбаларида Самарқанд ҳукмдори Ғурак (738) араблар билан учрашганда, ўзини хоқоннинг қулларидан ва чоқар (хос аскар)ларидан бири сифатида таърифлаши ҳақида маълумотлар учрайди³⁵.

Суғд воҳасида Турк хоқонлиги ҳокимияти 150 йилдан ортиқ давом этади. 720-йилларда ҳам хоқонлик бошқарувчилари Суғдга ташриф буюриб, бу ердаги сиёсий жараёнларга аралашиб туришган³⁶.

Ушбу бобнинг “*Суғд воҳасининг мулклари ва уларнинг бошқаруви*” номли иккинчи параграфи доирасида тадқиқ қилинаётган даврда Суғд бир қатор бир-биридан мустақил Самарқанд, Кеш, Панч-Маймурғ, Нахшаб, Кушония, Иштихон, Кабудон, Фай каби 8 та тарихий-географик вилоятларни ўзи ичига олган ҳолда майда ҳукмдорликларга бўлинганлиги, мулклар орасида дастлаб Кеш (VII асрнинг ўрталаригача)³⁷, кейинчалик эса Самарқанд (VII аср

³⁰ Буряков Ю. К истории раннесредневекового Чача//О‘zbekiston tarixi. №3, 2002. – С. 12.

³¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 69-70.

³² Кочнев Б.Д. О монетах Нахшеба (Несефа) VII-VIII вв. // Третья всероссийская нумизматическая конференция в г. Владимире 17-21 апр. 1995 г. Тезисы докладов. – М., 1995. – С. 13-15.

³³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., II. – С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. – İstanbul, 2007. – S. 305.

³⁴ Камолитдин Ш.С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 2003. – № 3. – С. 63-68; Бобоёров Ф. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 18-40.

³⁵ История ат-Табари... – С. 225.

³⁶ Согдийские документы..., II. – С. 115, 117; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days... – P. 157; Исҳоқов М., Бобоёров Ф., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар ... – Б. 81-82.

³⁷ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 34-36.

иккинчи ярмидан – VIII аср иккинчи ярмигача) марказий ҳокимият вазифасини бажарганлиги³⁸, ҳамда Суғд конфедерацияси дастлаб Эфталитлар, сўнгра эса Турк хоқонлиги қарамоғидаги ярим мустақил, ўз ички бошқарувида бўлса мустақил иш юритганлиги каби масалалар аниқланди ва кўриб чиқилди.

Жумладан, хитой йилномаларида айтилишича, хоқонлик кўшинлари Амударё-Сирдарё худудига кириб келган пайтда бу ердаги мулклар бошқаруви Чжаову сулоласига мансуб ҳукмдорлар кўлида эди ва улар *Ань* (Бухоро), *Цао* (Кабудон), *Ши* (Чоч), *Ми* (Маймуғ), *Хэ* (Кушония), *Хо-сюнь* (Хоразм), *Мао-ди* (Битик ёки Вардона?), *Шы-ши* (Кеш), *Кан* (Самарқанд) каби тармоқларга бўлинар, улар орасида Самарқанддаги сулола марказий хонадон мақомида эди³⁹.

Қолаверса, тангаларда тасвирланган тамгаларнинг таҳлили⁴⁰ га асосланиб, VII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд ва Кеш Суғд воҳасида сиёсий етакчилик учун курашганликларини айтиш мумкин. Бироқикки худуд ўртасида аниқ ҳарбий тўқнашувлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрамайди. Аммо Самарқанднинг воҳа устидаги назорати манбаларда кенг эътироф этилган⁴¹.

Суғдий тангалар орасида Маймуғ топоними билан зарб қилинган тангалар ҳалигача учратилмаган, аксинча, *рпсу* (Панч) номи ўрин олган тангалар катта бир гуруҳни ташкил этади⁴². Панч – Маймуғ ҳукмдорлиги араб босқини арафасида Самарқанд назоратидаги жой бўлган. “Тан-шу” йилномасида Самарқанд ҳукмдори Ғурак (710-738) биринчи ўғли – *Догэ* (Турғар)ни Цао, иккинчи ўғли *Мочжо* (Бек-чўр)ни *Ми* (Маймуғ) бошқарувчиси этиб тайинлаганининг айтилиши⁴³ юқоридаги фикрни илгари суришга имкон беради.

Суғд воҳасининг шимол ва шимоли-ғарбий худудларидаги Кабудон, Иштихон каби кичик ҳукмдорликлар ҳам воҳа сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган. “Тан-шу”да айтилишича, “Ғарбий Цао” ҳукмдорлигининг бошқарув маркази *Сидихин* (Иштихон) шаҳри ва “Ўрта Цао” ҳукмдорлигининг эса бошқарув маркази *Гадичжен* (Кабудон) шаҳри бўлган⁴⁴. Ўрта Цао, яъни Кабудон эса Кан (Самарқанд)дан шимолда жойлашиб, Шарқий Цао – Уструшонанинг жанубий кўшниси сифатида қайд этилади. Ўз навбатида араб

³⁸ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 29, 38.

³⁹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 310; Chavannes E. Documents sur les... – P. 134; Смирнова О.И. Очерки из истории... – С. 37.

⁴⁰ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 514-519.

⁴¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений..., II. – С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koş. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 185, 305; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan ... – S. 127-128.

⁴² Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгә // Центральная Азия от Ахеменидов до Тимуридов. Археология, история, культура. Материалы международной научной конференции, посвященной 100-летию со дня Pavel V. Lurje 30 рождения А.М. Беленицкого. В.П. Никаноров (ed.). – Санкт-Петербург, 2005. – p. 127-131; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун». – С. 106-107.

⁴³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311.

⁴⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 312-313.

манбаларида *Кабудон*, *Кабудонжакас* кўринишларида учрайди⁴⁵ ва тадқиқотчилар Кабудонжакасни бугунги Ғубдин билан тенглаштирадilar⁴⁶.

Иштихон хукмдорлиги Кабудон ва Маймурғга нисбатан марказ – Самарқанддан бирмунча узоқроқ жойлашган бўлса, улар орасида сулолавий яқинлик бошқаларига қараганда анча кучли эди. Самарқанд ихшиди Ғурак тўнғич ўғли Турғарни (738-750) Иштихон бошқарувига тайинлагани ҳам тасдиқлайди. Ҳар иккала хукмдорлик орасидаги сулолавий яқинлик, афтидан, VII аср бошларига бориб тақалар эди. Жумладан, “Суй-шу” йилномасида бу ернинг ўз бошқарувчиси йўқлиги, *Кан* (Самарқанд) хукмдори *Угян* исмли ўз ўғлини Цао (Иштихон) бошқарувига тайинлагани эслатилади⁴⁷. О.И.Смирнова бу воқеа 600-620-йилларда бўлиб ўтган, деб тахмин қилади⁴⁸.

Суғднинг Фай хукмдорлиги хитой манбаларида тилга олинмаган, бироқ араб манбалари маълумотлари асосида у ҳақда айрим тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Табарий асарида 720-йиллар (VIII асрнинг биринчи чораги)га оид воқеалар баёнида Фай мулки хукмдори “Турк хоқон” тарзида қайд этилади. О.И.Смирнова уни “хоқон” унвонли эмас, балки Турк-хоқон исмли хукмдор, деб изоҳлайди⁴⁹.

Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва Панч каби мулкларда хукмдорлар ўз хукмронликларини ҳуқуқий жиҳатдан ифода қилувчи тангаларни зарб қилганлар⁵⁰. Улардан ҳар бири ўзининг муайян худуди, бошқарув сулоласи, сиёсий-маъмурий маркази – пойтахти, танга-пул зарби (айримлари истисно), ҳокимият рамзи – тамғаси, қўшини, унвонлар тизими ва ҳоказоларга эга эди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Суғд бошқарувидаги қадимги туркий унвонлар*” деб номланган. Хитой йилномаларида Суғднинг деярли барча хукмдорликларининг бошқарувчиларига нисбатан *ван* (хукмдор) атамаси ишлатилади⁵¹. Араб-форс манбаларида эса улар *малик*, *худот*, *деҳқон* унвонлари билан тилга олинади. Суғдий ҳужжатларда *xwβ / xwβw*, *MLK'* (= ихшид), *MR'Y* (= афшин), ҳар бир хукмдорлик томонидан зарб қилинган суғдий тилли тангаларда эса *MLK'*, *MR'Y*, *xwβ / xwβw*, *'xwrp't* (фақат Кешда) унвонлари ўрин олган⁵². Гарчи бу даврда Суғднинг барча хукмдорликларида маҳаллий анъанавий унвонларга (Самарқандда – *ихшид*, Панчда – *афшин*, Кешда – *ихрид*, Нахшабда – *испахбод* ва ҳ.к.) амал қилинган бўлса-да, ёзма ва нумизматик материалларда улар билан боғлиқ равишда туркий унвонлар ҳам учраши изоҳ талаб қилади. Самарқанд ва Панч бошқарувида *тархон*, Панчда

⁴⁵ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. – М., 1963. – С. 144; Ахунбабаев Х.Г. Древний Кабуданжакас (к вопросу локализации, генезиса этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустаков Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии. Тезисы докладов. – Ташкент, 1991. – С. 26-27.

⁴⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия ... – С. 146; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan ... – S. 130.

⁴⁷ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 287.

⁴⁸ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... – С. 424; Ғойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар ... – Б. 116.

⁴⁹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... – С. 40.

⁵⁰ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... – С. 167-181; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – №11. – Б. 119-129.

⁵¹ Смирнова О.И. Очерки из истории... – С. 36-37.

⁵² Смирнова О.И. Очерки из истории... – С. 49-51.

чўр (эхтимол, Самарқандда ҳам), *билга*, *элтабар*, VII асрга оид Самарқанд тангаларида *хоқон*, VII-VIII асрга тааллуқли Панч тангаларида эса *хотун* ва *билга* унвон ва эпитет (сифат)лари ўрин олган⁵³.

Амударё – Сирдарё оралиғидаги бир қатор вассал ҳукмдорликлар тангаларида *хоқон* унвони акс этган бўлиб, бу ҳолат маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзларини мазкур унвон билан атаганлиги билан эмас, аксинча, уларнинг ўз хўжайин (сюзерен)лари номига танга бостирганликлари билан алоқадордир. Суғд воҳасида бостирилган, бироқ айнан қайси ҳукмдорликка тегишлилиги тўлақонли аниқланмаган “хотун” унвонли 𐰽 кўринишдаги тамғали тангалар ҳам учрайди⁵⁴. *Хотун* унвони Турк хоқонлиги даврида хоқонларнинг бош аёлига нисбатан қўлланилиб, ёзма манбаларда Чоч, Самарқанд, Бухоро, Тохаристон ва Қорашаҳр ҳукмдорларининг бош аёллари ушбу унвон билан тилга олинади⁵⁵. Бу унвон хоқонликдан олдинги Суғд ва унга қўшни ҳукмдорликлар бошқарувида кўзга ташланмайди.

Суғд бошқарувида *элтабар* унвони учраб, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг (720 й.) бир нечасида *Lyttpur*, *dyttpur* (элтабар) ёки *хису элтабар* унвонли амалдор ҳақида гап боради. Ушбу маълумотларнинг Панч ва Шимолий Тохаристондаги ҳукмдорликларга алоқадор эканини таъкидлаган Ф. Грене ва Э. де ла Вассиерлар *элтабар* унвонли амалдорни мазкур ҳудудлар билан боғлашади⁵⁶. Бу унвон хоқонлик ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Суғдда ҳам жорий қилинган мазмундаги тахминга имкон беради. Хитой йилномаларида учрайдиган “*Фарбий турклардан Тун ябғу-хоқон вассал (воҳа) ҳукмдорларига элтабар унвонини берди*” мазмунидаги маълумотдан келиб чиқиб⁵⁷ С.Г.Кляшторный “тобе воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларига туркий унвонлар берилиши хоқонлик уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганининг ифодасидир” деб ёзади⁵⁸.

Қадимги туркча чўр унвони ҳам Суғд бошқарувида асосан Панч ва қисман эса Самарқанд билан боғлиқ равишда учрайди. Самарқандда 650-750-йиллар оралиғида ҳукм сурган туркий-суғдий Ихшидийлар сулоласи вакилларининг кўпчилиги гарчи Тархун, Фурак, Турғар, Бекчўр/Бўгу-чўр каби туркий исмларга эга бўлиши баробарида *ихшид* унвонини қўллашда давом этган. Аксинча, келиб чиқиши суғдий бўлган, куёв сифатида Панч ҳукмдорлиги ҳокимиятини чўр унвонли туркий сулола вакилларидан қабул қилиб олган Деваштич *афшин* унвонидан истифода қилиш билан биргаликда, араб манбаларидан маълум бўлишича, *шур* (чўр) унвонини қўллашда ҳам давом

⁵³Смирнова О.И. Сводный каталог..., – С. 362-370; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – С. 79-87.

⁵⁴Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» ... – С. 106-107.

⁵⁵Бичурин Н. Я. Собрание сведений..., II. – С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre..., – S. 305; Смирнова О. И. Сводный каталог... – С. 362–370.

⁵⁶Grenet F., de la Vaissiere E. The last days... – P. 177.

⁵⁷Бичурин Н.Я. Собрание сведений..., I. – С. 283; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 52, 84-85.

⁵⁸Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб., 2006. – С. 408.

этган⁵⁹. Шу ўринда, вассал ҳукмдорликларда чўр унвони учраши II Шарқий Турк хоқонлиги даврига тўғри келиши диққатга сазовордир. “Тан шу” йилномасида Самарқанд ҳукмдори *Улега* (Ғурак; 710-738) *Мочжо* (Бўгу-чўр)⁶⁰ исмли иккинчи ўғлини *Ми* (Маймурғ) шахрига ҳоким этиб тайинлагани ҳақида маълумот акс этган⁶¹. Хоқонлик бошқарувида асосан ҳарбий унвон сифатида учрайдиган бу унвон Суғд бошқарувида асосан VII аср охири – VIII аср илк чорагида учрай бошлайди.

Суғд бошқарувидаги *тархон* унвони эса Панч билан алоқадор ўларок собит бир шаклда, Самарқанд билан эса эҳтимоли бир тарзда учрайди. Суғдий ҳужжатларнинг бири А-13 да Панч амалдорларидан бирининг унвони сифатида *trx'n* (тархон) унвони қайд этилади⁶². Юнон тарихчиси Менандр (VI аср) Истами хоқоннинг Византияга юборган элчилардан бирининг исми Тағма Тархон (Маниахнинг ўғли) эканлигини ёзади. У *тархон* унвонли Суғд амалдорларидан бири бўлганлиги эҳтимоли мавжуд. Хоқонликка хос унвонлардан энг кенг тарқалгани *тархон* унвони бўлиб, бир қатор тадқиқотчилар уни ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий унвон ҳисоблайдилар⁶³.

Билга атамаси Панч ҳукмдори Чакин Чўр Билга исмининг таркибий бир қисми сифатида, VII асрнинг охирларига оид Панч тангаларининг бирида *xwβ pncy MR'Y βulk'* – “Панч ҳукмдори Афшин Билга” шаклида учрайди⁶⁴. Турк хоқонлиги бошқарувида унвонлар олдида келувчи мазкур атаманинг муайян эпитет (сифат) вазифасини бажарганлиги англашилади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Суғд воҳасидаги хоқонлик бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларда акс этиши**” деб номланади. Ушбу бобнинг “*Хоқонлик даврида Суғд воҳасида юз берган этномаданий жараёнлар*” деб номланган илк параграфида хоқонлик даврида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеликлар воҳадаги этномаданий жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хитой йилномаларида Суғддаги Самарқанд, Маймурғ, Кеш, Нахшаб, Кушония, Иштихон, Кабудон ва ҳоказо ҳукмдорликлар тўғрисида сўз борган пайтда воҳа аҳолисининг савдо-сотик ва ҳунармандчиликда моҳир эканига урғу берилса, хоқонликнинг бошқарувчи тоифаси – *Тукюе* (Турк хоқонлиги) вакиллари эса кўпроқ кўчманчи ва ҳарбий томондан устувор элат сифатида таърифланади. Шунга ўхшаш маълумотлар араб-форс манбаларида ҳам учраб, улар Суғд воҳасини кўплаб боғ-роғларга эга шаҳар ва қишлоқлардан ташкил топган юрт сифатида тилга оладилар.

Суғд воҳасининг илк ўрта асрларга тегишли шаҳарларининг қолдиқлари ҳисобланган ўнлаб моддий маданият ёдгорликлари топилган. Уларнинг сезиларли бир қисмини нумизматик ва эпитафик материаллар, муҳрлар, сопол ва металл буюмлар, сарой деворий расмлари (Афросиёб, Панжикент ва б.), терракота ҳайкалчалар, зардуштийлик ва буддавийлик ибодатхоналари

⁵⁹ Лившиц В. А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки)... – С. 66-67.

⁶⁰ Chavannes E. Documents sur les... – P. 136, k. 5; Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü. ... – S. 108. n. 345.

⁶¹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 311; Chavannes E. Documents sur les... – P. 136, k. 5.

⁶² Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар..., – Б. 27-28.

⁶³ Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar // Türk kültürü. – Ankara, 2000. – № 443. – S. 139.

⁶⁴ Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки)... – С. 56-57.

ва бошқалар ташкил этади. Хоқонлик томонидан юборилган амалдор ва ҳарбийлар сурати Самарқанд, Панч, Нахшаб каби йирик шаҳарларда топилган археологик топилмалар билан бирга, Афросиёб, Кофир-қалъа (Самарқанд) ва Панжикент деворий расмларида ҳам ўз ифодасини топган.

Кўпчилик тадқиқотчилар ясашиш техникаси ва бошқа хусусиятларига қараб Суғд, Еттисув ва Шарқий Европа камар, эгар-жабдуқ ва курул-яроғларини қадимги турклар билан боғлайдилар⁶⁵. Сопол идишларга безак беришда ҳам туркларга хос анъаналар устуворлик қила бошлади. Идишлар сиртига ўқ-ёй тасвирини тушириш, идиш сопига турли ҳайвон тасвирларини чизиш каби усуллар кўзга ташланади. Сопол сиртига туркларга хос киёфадаги кишилар тасвирини босма тарзда тушириш каби ҳолатларнинг учраши ҳам диққатга сазовордир⁶⁶. Кофир қалъадан топилган бир неча сопол парчасида шунга ўхшаш ҳолат учраб, ёнма-ён турган эркак ва аёл тасвири илк ўрта асрларга оид туркларни эслатади⁶⁷.

Илк ўрта асрлар турк санъатига хос анъаналар Суғд короппластикасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, отлик жангчи ҳайкалчаси туркий аскарларни акс эттирувчи хусусиятларга эгадир⁶⁸. Самарқанд ва унинг атроф ҳудудларидаги Афросиёб, Кофир қалъа, Талибарзу, Сарикўрғон ёдгорликлари ва Панжикент харобаларидан топилган терракоталар орасида сезиларли бир қисми туркий жангчи чавандоз тасвири топилмалар ташкил этиши ҳам буни тасдиқлайди⁶⁹.

Турк хоқонлигининг мафқурасига алоқадор сюжетлар Суғд ва унга қўшни ҳудудларда учрай бошлаши ҳам минтақада туркий элатларнинг кенг ёйилиши билан боғлиқдир. Самарқанд Суғдининг муҳим сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлмиш Кофир-қалъа ёдгорлигида бир неча сопол муҳрлар топилган бўлиб, улар орасида бола эмизаётган бўри тасвири алоҳида ажралиб туради⁷⁰. Бўри қадимги туркларнинг ҳомий ҳайвони ҳисобланиб, уни эъзозлаш (болаларга исм қўйиш, фахрли унвон сифатида ишлатиш, турли буюмлар сиртига тасвирини тушириш, турли ҳикоя ва ривоятларни авлоддан-авлодга етказиш ва б.)да ўз аксини топган⁷¹.

Суғдда хоқонлик вакилларининг юқори табақасига мансуб кишилар кўмилган бир қатор қабрлар очиб ўрганилган. Улардан бири Самарқанд шаҳри яқинида топилган от билан бирга кўмилган амалдор қабри бўлиб, марҳум қўйилган мазор шакли қадимги турк қабрларига ўхшаш бўлиши

⁶⁵ Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. – Ленинград, 1980. – С. 108.

⁶⁶ Лебедева Т.И. Селская округа и её роль в формировании раннесредневекового Самарканда (по материалам селской округа Самарканда). Автореф. дисс. к.и.н. – Ташкент, 1994. – С. 28.

⁶⁷ Babayar G. Semerkant'ta bulunan "Kağan" ve "Hatun" unvanlı Eski Türk Sikke ve Mühürleri Üzerine // GTTAD (Genel Türk Tarihi Araştırmaları Dergisi), Vol. 1, Issue 2, July 2019. – Ankara, 2019. – S. 177-202.

⁶⁸ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 16, 22, 505-506; Malikov A. Arkeolojik ve Yazılı Kaynaklara Göre Maveraünnehir Türkleri (M.S. VI-VIII. Yüzyıllar) // Türkler. Cilt 2. – Ankara: Yeni Türkiye Yayınları, 2002. – S. 146.

⁶⁹ Бердимуратов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 7 / Под. ред. Ш. Камолитдин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2020. – С. 61-69.

⁷⁰ Бердимуратов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда ... – С. 66.

⁷¹ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2001. – Б. 83; Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. – Тошкент: Yangi nashr, 2018. – Б. 200.

билан бирга бир қатор металл ва сопол буюмлар топилиши диққатга сазовордир⁷². Хоқонлик даврида Суғд қурол-яроғларига туркларга хос анъаналар ўз таъсирини кўрсатгани пайқалади. Бу ҳолат нафақат археологик қазиларда топилган турли ўқ учлари ва бошқа қурол-аслаҳаларда, балки Панжикент деворий расмларида акс эттирилган туркий жангчиларнинг кийим-бош, совут, дубулға ва бошқа қурол-яроғ анжомларида яққол сезилиб туради⁷³.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Суғд воҳасининг қадимги туркий тангалари*” деб номланади. Турк хоқонлиги даврида Суғд воҳасида ўзига хос танга-пул тизими мавжуд бўлиб, воҳадаги ҳукмдорликларнинг деярли барчаси ўз танга зарбига эга эди. Хусусан, Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва Панч ҳукмдорликлари ўз тангаларини бостирганликлари, уларнинг катта бир қисми эса хоқонлик билан у ёки бу даражада алоқадор тангалар эканлиги маълум.

О.И.Смирнова Суғд тангалари орасида қадимги туркларга хос қиёфали ҳукмдор ва малика тасвирли тангаларда “хотун” унвони учрашини аниқлаши ҳам катта янгилик бўлди⁷⁴. Кейинчалик эса В.А.Лившиц Панч тангаларидан бирида “билга” унвонини ўқиб, “Қадимги турк тангалари гуруҳи”га кирувчи тангалар турининг анча кенг эканини аниқлади⁷⁵. Б.Кочнев Қашқадарё воҳасида кўп учрайдиган тангаларнинг иконорафиясига таяниб, ушбу тангаларни бу гуруҳга киритди⁷⁶. Ғ.Бобоёров, А.Кубатин томонидан Чоч, Фарғона, Ўтрор, Тохаристон билан бир қаторда Суғд воҳасида ҳам кўплаб туркий тангалар зарб қилингани аниқланди⁷⁷.

Панч тангаларида *pnсу MR'Y Bylk'* γωβ “Панч ҳукмдори подшо Билга” жумлалари акс этган⁷⁸. Тадқиқотчилар уни Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида 693-708-йилларда Панчни бошқарган Чакин Чур Билга билан тенглаштирадilar⁷⁹. Айрим тадқиқотчиларга кўра, ушбу ҳукмдорнинг келиб чиқиши туркий бўлиб, у Деваштичдан олдин Панчни бошқарган⁸⁰. Унинг ўрнига ўтирган суғдий ҳукмдор Деваштич (709-722) номидан танга зарб этилгани ё йўқлиги шу пайтгача маълум эмас⁸¹. Билгадан кейин зарб қилинган Панч тангаларида “Панч қироличаси Нана” жумлалари учраб, суғдшунослар бу ҳолатни “танга Билганинг қизи номидан зарб қилинган, Деваштич ҳукмдорлар хонадонидан бўлмагани учун ўз аёли номини акс эттирган”, деб ҳисоблайдилар⁸². Арабча манбалардаги Деваштич шажарасида Шур исми бўлгани қайд этилиб,

⁷² Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э., обнаруженное около обсерватории Улугбека // Труды музея истории народов Узбекистана. Т.1. – Ташкент, 1951. – С. 33-42.

⁷³ Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI-VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). Автореф. дис. . . . канд. ист. наук. – Самарқанд: ИААН РУз, 2000.

⁷⁴ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... С. 275-281; Смирнова О.И. Сводный каталог ... – С. 423-428.

⁷⁵ Лившиц В.А. Правители Панча – С. 57-58.

⁷⁶ Кабанов С. К. Нахшебские монеты V – VI вв. // ВДИ, 1961, №1. – С. 137-145.

⁷⁷ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о Византийском влиянии на иконографию монет Западно-Тюркского каганата // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2008. № 4. – С. 3-10.

⁷⁸ Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // НАА, №4, 1979. – С. 57-58.

⁷⁹ Лившиц В.А. Правители Панча ... – С. 57-58; Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида ... – Б. 34-36.

⁸⁰ Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими // Шарқшунослик, ТДШИ, №2, 2001. – Б. 40-42.

⁸¹ G'oyibov B. Sug'diy hukmdorlar shajarasi xususida (Panch misolida) // Ilmiy axborotnoma. Nauchnyy vestnik. – Samarqand, 2014. – №2 (84). – Б. 11-15.

⁸² Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида ... – Б. 34-36.

В.А.Лившиц фикрича, ушбу исм аслида туркий чур унвонига алоқадор бўлиб, Деваштичнинг Чакин Чур Билгага куёв бўлиши билан боғлиқдир⁸³.

VII-VIII асрларда зарб қилинган деб саналадиган Нахшаб тангаларининг тури унчалик кўп эмас. Ҳозиргача аниқланган Нахшаб тангаларининг асосан шу каби 2 та тури бор:

1) ўнг томонида тўғрига қараган узун сочли, думалоқ юзли, соқолсиз ҳукмдор тасвири, тескари томонида эса от тасвири ўрин олиб, атрофида суғдий ёзувда *prn xwβ* “қут (сохиби) ҳукмдор” ибораси ёзилган;

2) ўнг томонида атрофида суғдий ёзувда “Ашкандак – қутлуғ ҳукмдор” деб айланасига ёзилган жумла ўрин олган от тасвири, тескари томонида эса шаклидаги тамға ўрин олган тангалар⁸⁴. Нахшабда туркий қиёфали ҳукмдор тасвирининг учраши ўша давр тарихий воқеликлари билан боғлиқ. 560-йилларда Нахшаб атрофида Эфталитларга қарши асосий зарбани берган Турк хоқонлиги бу ҳудудда ўз қўшинларини жойлаштиради⁸⁵. Нахшабнинг бошқарув маркази бўлмиш жой (Ерқурғон)дан жануб (Шуллуктепа)га кўчади ва янги сулола вакиллари бу ердан туриб воҳани бошқара бошлайдилар. Р.Сулаймоновнинг фикрича, ушбу сулоланинг келиб чиқиши туркий бўлган⁸⁶.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи “*Суғд воҳасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт*” деб номланган. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан маълум бўлишича, бу пайтда Суғд воҳасида ҳукмдор хонадонлар ва йирик мулк эгалари – ’z’t (азат) деб аталиб, луғавий жиҳатдан бу сўз “аслзода, ўз наслини билувчи”, “озод”, “машҳур” маъноларини билдирарди⁸⁷. Улар жамият бошқаруви, ижтимоий-сиёсий ва диний-мафкуравий ишларда етакчилик қилиб, иқтисодий жиҳатдан бой-бадавлат, йирик ер ва мулк эгалари эдилар.

Хоқонлик даврида Суғднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини тасаввур қилиш учун асосан суғдий ҳужжатлар ва қисман хитой йилномалари ҳамда араб-форс манбаларига мурожаат қилиш керак бўлади. Жумладан, хитой роҳиби Сюан Цзан “*Суе (Суяб) шаҳридан Киешуанна (Кеш) ўлкасигача чўзилган минтақа Сули (Суғд) деб аталади. (Минтақа) аҳолиси ҳам шу номга эга; ёзуви ва тили ҳам шу ном билан юритилади*” деб ёзиб, муаллимлар бу ёзувни авлоддан-авлодга ўргатиб келишлари ва бу анъана узлуксиз давом этаётганига урғу беради. Роҳибнинг эслатишича, маҳаллий аҳоли пахта ва жун матодан кийим кийишлари билан бирга теридан қилинган кийим-кечаклар ҳам учраб, либослар анча тор бўлиб, илдам ҳаракат қилишга қулай эди⁸⁸.

Суғд жамияти, айниқса, ушбу жамиятнинг фаол тоифаси бўлган суғдий савдогарлар нафақат ўз даври ёзма ёдгорликларида, балки археологик материалларда ҳам ўз аксини топган. Улардан бири деворий расмлар бўлиб,

⁸³ Лившиц В.А. Правители Панча ... – С. 66-67.

⁸⁴ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... – С. 180; Кочнев Б.Д. Среднеазиатские куфические фельсы с изображением коня // Нумизматика Центральной Азии, IV. – Тошкент, 1999. – С. 46.

⁸⁵ Chavannes E. Documents sur les ... – P. 228-229.

⁸⁶ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб ... – С. 69.

⁸⁷ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... – С. 69.

⁸⁸ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan ... – S. 113-114.

Афросиёб, Панжикент сарой деворий суратлари қаторига Шимолий Хитойдан топилган ва тадқиқотчилар томонидан Ан-цзя, Михо ёдгорликлари деб юритилаётган бир неча қабр бўртма тасвирларини киритиш мумкин. Ушбу бўртма тасвирларда ҳам қадимги турк ва суғдий давлатчилиқ анъаналарига хос сюжетлар ўрин олган⁸⁹. Жумладан, чодирда ўтирган ҳолда суғдий савдогарларни қабул қилаётган амалдор (хоқон?), ов қилаётган турк суворийлари, зиёфатда биргаликда ўтирган суғдий ва туркий амалдорлар тасвирланган бўлиб, улар асосида хоқонликнинг бошқарув анъаналари, маиший ҳаёт ҳақида муайян тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Турк хоқонлигининг муайян бир қисми бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) даврида Суғд воҳасининг хоқонлик томонидан бошқарилуви масаласи бўйича қуйидагича хулоса ва тўхтамларга келинди:

1. Турк хоқонлиги даврида Суғдда ўз тузилишига кўра конфедератив давлат фаолият кўрсатганлиги, бир вилоят ва бир туман доирасидаги мулклар ички бошқарувда мустақил, ташқи жиҳатдан эса марказий ҳокимиятга бўйсунганлиги аниқланди. Суғд воҳасида хоқонликнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиши 560-йилларнинг ўрталарига тўғри келиб, бу пайтда воҳа Самарқанд, Панч – Маймурғ, Кабудон, Фай, Иштихон, Кушония, Кеш ва Нахшаб каби бир неча катта-кичик воҳа ҳукмдорликлари – мулкликлардан иборат, ўз маҳаллий сулоласига эга, бироқ Эфталитлар давлатига бўйсунувчи сиёсий-маъмурий тузилмалар томонидан бошқарилад эди. Суғд хоқонлик томонидан эгаллангач, ушбу тартиб деярли сақланиб қолди, фақат айрим ҳукмдорликларда сулола алмашинуви юз бериб, хоқонликка тўғридан-тўғри ёки билвосита алоқадор туркий ва туркий-суғдий бошқарувчилар ҳокимият тепасига чиқишади.

2. Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчилари Суғд ҳукмдорликлари – мулкликларини Самарқанд ҳукмдорлари орқали бошқаришга ҳаракат қилиб, 590-620-йилларда Самарқандни бошқарган 2 нафар маҳаллий ҳукмдор (Тайшеби/Шашеби ва Кюймучжи)ни ўзларига куёв қилиб, қизлари орқали назоратни кучайтиришган. Шу билан бирга, хоқонлик Суғддаги бошқа ҳукмдорликлар билан ҳам яқин алоқа ўрнатади ва уларни назорат қилиш учун “тудун”, чамаси “элтабар” унвонли амалдорларини юбориб, ҳам Самарқанд ҳукмдорларини, ҳам Суғддаги бошқа ҳукмдорликларни бошқарадилар.

3. Хоқонликнинг Суғд воҳасидаги ҳокимияти бир ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида давом этиб, 740-йилларгача хоқонлик бошқарувчи тоифалари воҳадаги сиёсий жараёнларда иштирок этдилар. Айниқса, бу ҳолат VII аср сўнгги чораги – VIII аср илк чорагида минтақада юз берган араб истилосига қарши курашларда яққол ўзини намоён қилди. Бу даврда турк хоқонлари

⁸⁹ Juliano L.A. Chinese Pictorial Space at the Cultural Crossroads // *Ērān und Unērān. Studies Presented to B.I.Maršak on the Occasion of His 70th Birthday.* – Venezia, 2006. – P. 303-305.

Тўхористон, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панжикент), Чоч, Фарғона, Уструшона каби воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчилари билан иттифоқ тузиб, бир неча йиллар давомида арабларга қарши курашга бошчилик қиладилар.

4. Хоқонлик тарихини янги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилган айрим тадқиқотчиларнинг айрим қарашларига қўшилган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, хоқонлик тарихига доир “Турк хоқонлиги қанчалик катта бўлмасин, чинакам марказлашган давлат эмас эди”, “Мустаҳкам марказлашган – бу барча ҳудудлари ягона ҳукмдор ҳокимияти томонидан идора қилинувчи давлатдир”, “бу даврда Амударё-Сирдарё оралиғида ўндан ортиқ воҳа ҳокимликлари мавжуд эди. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий бошқаруви маҳаллий сулола ҳукмдорлари қўлида қолдирилиб, турклар улардан фақат ўлпон ундириб олиш билан чекланади” мазмундаги фикрлар бугунги кунда анча эскирган экани аён бўлди. Хоқонлик империя шаклида давлат бўлиб, у ўзининг марказий ҳудуди – метрополияга ва тобе ҳукмдорликлар – вассалларга эга эди. Демак, бир қатор тадқиқотчиларнинг “Хоқонлик воҳа ҳокимликлари бошқаруви маҳаллий сулолалар қўлида қолдирилиб, турклар улардан ўлпон олиш билан чекланар эди” мазмунидаги фикрлари тўлақонли асосга эга эмаслиги Суғд бошқаруви мисолида ўз тасдиқини топди.

5. Хоқонлик даврида Суғд воҳасининг бошқарув тизимида юз берган ўзгаришлар бу ердаги воҳа ҳукмдорликларга тегишли тангаларда ҳам ўз аксини топади. Кеш ҳукмдорлиги истисно, воҳанинг йирик ҳукмдорликлари – Самарқанд, Панч ва Нахшабнинг танга-пул тизимида суғдий ва қадимги туркий анъаналар ўзаро синтезлашгани сезилади. Айниқса, Самарқанд тангаларида “хоқон” унвони ўрин олиши бир томондан бу ернинг хоқонлик билан чуқур сиёсий муносабат ўрнатганининг ифодаси бўлса, иккинчи томондан бошқа ҳукмдорликларга нисбатан Самарқанднинг сиёсий мавқеи юқори бўлганидан дарак беради. VII асрнинг иккинчи ярмига келиб Панч ҳукмдорлигининг сиёсий мавқеи ошгани нафақат ёзма манбаларда, балки танга-пул тизимида ҳам ўз аксини топади. Суғдда хоқонлик ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардаёқ Нахшабда сулола алмашинуви юз берган бўлиб, бу ҳолат ушбу ҳукмдорлик тангалари орқали ҳам ўз ифодасига эга.

6. Фарбий Турк хоқонлиги даврида Суғд воҳасида тифиз этномаданий жараёнлар юз бериб, суғдий ва туркий элатлар орасида ўзига хос симбиоз – ўзаро қоришув, этномаданий жиҳатдан синтезлашув жараёнлари кучаяди. Бир томондан бу жараён Суғд воҳасида жадаллашган бўлса, иккинчи томондан эса хоқонликнинг марказий ҳудудлари бўлмиш Еттисув, Олтой ва Ўрхун водийси (Мўғулистон)да анча фаол кечди. Суғдийлар хоқонликда элчилик ҳайъатларига бошчилик қилиш, халқаро савдони йўлга қўйиш, шаҳарлар қуриш, сарой ҳаётида иштирок этиш, хоқон ва юқори лавозимдаги хоқонлик вакилларига маслаҳатчи бўлиш каби ишларда яқин йўлдош бўлдилар. Ўз навбатида Суғднинг Самарқанд, Панч ва Нахшаб ҳукмдорликлари ўз бошқарувини туркий ва суғдий элат вакиллари биргаликда олиб бордилар.

7. Бу даврда Суғддаги деярли барча ҳукмдорликлар бошқарувчилари ўз унвонларига эга эди. Араб-форс манбаларида улар *малик*, *худот*, *деҳқон* унвонлари билан тилга олинади. Суғдий ҳужжатларда *xwβ / xwβw*, *MLK'* (= ихшид), *MR'Y* (= афшин), суғдий тилли тангаларда эса *MLK'*, *MR'Y*, *xwβ / xwβw*, *'xwrp't* (фақат Кешда) унвонлари ўрин олган. Гарчи бу даврда Суғднинг барча ҳукмдорликларида маҳаллий анъанавий унвонларга (Самарқандда – *ихшид*, Панчда – *афшин*, Кешда – *ихрид*, Нахшабда – *испахбод* ва ҳ.к.) амал қилинган бўлса-да, ёзма ва нумизматик материалларда улар билан боғлиқ равишда туркий унвонлар ҳам учрайди. Самарқанд ва Панч бошқарувида *тархон*, Панчда *чўр* (эҳтимол, Самарқандда ҳам), *билга*, *элтабар*, VII асрга оид Самарқанд тангаларида *хоқон*, VII-VIII асрга оид Панч тангаларида эса *хотун* ва *билга* унвон ва эпитет (сифат)лари ўрин олган бўлиб, бу ўша даврда Самарқандда туркий-суғдий аралаш сулола ҳукм сургани ва улар томонидан хоқонликнинг марказий бошқарувидаги бош ҳукмдор – хоқон номига танга бостирилгани билан боғлиқ.

8. Ғарбий Турк хоқонлиги даврида туркий ва суғдий элатлар орасидаги этномаданий жараёнлар нафақат ўз даври ёзма манбаларида, балки моддий маданий буюмларда ҳам ўз ифодасини топди. Ҳар иккала этнос орасидаги ўзаро маданий яқинлашув никоҳ алоқалари, бошқарувда биргаликда иштирок этиш, танга зарби, тасвирий санъатда етакчилик қилиш ва ҳоказоларда яққол кўрина бошлайди. Суғд тасвирий санъатида ўша давр сиёсий ва этномаданий жараёнлари маҳсули сифатида турли элат вакиллари акс эттирувчи антропологик тип ва уларга хос кийим-кечак, соч турмаги, камар ва унинг тақинчоқлари, тўқалар, қурол-яроғлар тасвирида кўринади. Афросиёб ва Панжикент сарой деворий расмларида суғдий аслзодалар билан бирга кўплаб туркий қиёфали амалдорларнинг тасвирланиши кўзга ташланади.

9. Ўзининг географик жойлашуви ва иқлим шароити туфайли Суғд хоқонлик учун муҳим аҳамиятга эга ҳудуд эди. Шу боис, хоқонлик бу ернинг бошқарув ишларига алоҳида эътибор қаратиб, воҳани қўлга киритган илк йиллардаёқ маҳаллий ҳукмдорлар билан яқин муносабатларни йўлга қўяди. Бу масалада, айниқса, Самарқанд ҳукмдорлиги алоҳида ўрин эгаллаб, хоқонлар бу ернинг бошқарувчилари орқали бутун Суғд устидан ўз назоратини ўрнатишга ҳаракат қилади. Суғд иқтисодиётида Самарқанднинг ўрни бўлакча бўлиб, бу шаҳар нафақат бутун воҳа аҳолиси учун, балки минтақадаги кўплаб ҳукмдорликларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз таъсир доирасига эга эди. Самарқанддаги бозорларга атроф ўлкалардан қимматбаҳо буюмлар сотиш мақсадида олиб келиниши билан бирга, ушбу шаҳар аҳолисига хос анъаналар, урф-одатлар, маданий ҳаёт билан боғлиқ янгиликлар атроф ўлкаларга ўз таъсирини ўтказар эди.

Хуллас, Ғарбий Турк хоқонлик даврида Суғд воҳаси бошқарувида, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз бериб, воҳада туркий давлатчилик анъаналари янада мустаҳкамланади. Воҳадаги Самарқанд, Панч, Нахшаб каби ҳукмдорликлар бошқарувида туркий ёки туркий-суғдий аралаш сулолалар бошқаруви ўрнатилади, Самарқанднинг

нафақат Суғд воҳасида, балки қўшни воҳалардаги бир неча воҳа ҳукмдорликлар устидан сиёсий мавқеи янада ортади.

Ушбу изланиш натижалари бўйича қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар даврини, айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутадиган Ғарбий Турк хоқонлиги ва унинг Суғд воҳасидаги бошқаруви тарихини ёзишда материал сифатида мурожаат қилиш мумкин;

2. Тарихий Суғд вилояти ўтмишини ёритаётганда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

3. Республика ва вилоятлар миқёсидаги ўлкашунослик музейларида экспонатларни танитиш, локализация қилиш ва тарихий жиҳатдан таснифлаш ва тавсифлашда фойдаланиш мумкин.

4. Суғд тарихининг Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида оид тадқиқот жараёнида аниқланган тамғалар ва расмлардан Ўзбекистоннинг турли минтақалари белгилари ва туристик гербларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛАЙМАНОВА СОХИБА БАХОДИРОВНА

**УПРАВЛЕНИЕ ЗАПАДНО-ТЮРКСКОГО КАГАНАТА
В СОГДИЙСКОМ ОАЗИСЕ**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Tar485.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице (www.qarshidu.uz) Научного совета и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Бабаяров Гайбулла Боллиевич
доктор исторических наук

Официальные оппоненты:

Мавлонов Уктам Махмасобирович
доктор исторических наук, профессор

Раимкулов Абдусабур Аззамович
доктор исторических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится 28 03 2022 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05 по присуждению ученых степеней доктор философии (PhD) при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинском государственном университете.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 90). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан 10 03 2022 года
(реестр протокола рассылки № 7 от 10 03 2022 года).



Б.Ж. Эшов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.и.н., профессор

Н.Н. Ражабова
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению ученых
степеней, к.и.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой историографии в течение почти одного столетия отдельно изучаются социально-политические, экономические и этнокультурные процессы, имевшие место на просторах Евразии, занимающей большую часть земного шара, в частности, в центрально-азиатском регионе, являющимся её составной частью. На сегодняшний день, когда изучение вопросов социально-экономического развития территории Евразии имеет важное значение, ощущается потребность в проведении исследований по направлениям номунологии и культурной антропологии. Согласно этому, изучение истории кочевых и оседлых народов Центральной Азии, экономическая основа которой больше связана с кочевно-скотоводческим миром представляет актуальное значение.

Тюркский каганат, особенно его правое крыло (Западно-тюркский каганат – 568-740), являвшееся одним из десятков государств основанных кочевыми народами, установило свое управление над десятками оседлых оазисов, расположенных в Междуречье Амударьи и Сырдарьи, и в результате это государство рассматривается исследователями как империя, сумевшая обеспечить взаимное согласие ряда этносов, говорящих на разных языках и относящихся к различным культурам. В связи с этим, в ведущих научных учреждениях Европы, США, России, Китая, Японии, Турции, в частности в центрах по изучению Центральной Азии основаны отдельные научные направления по изучению истории Тюркского каганата и Согда. Среди них, особо выделяются работы историков, регионоведов, тюркологов, иранистов, в том числе согдологов Англии, Франции, России и Турции.

Изучение истории Западно-тюркского каганата и Согдийского оазиса, занимавших важное место в истории государственности на территории Узбекистана, поставлено перед учёными-историками республики в годы независимости как одна из приоритетных задач. Так как исторические события, происшедшие в тот период, в дальнейшем представляли важное значение не только в формировании ряда государственных объединений, занимавших особое место в жизни региона, а также оказали влияние на формирование десятков этносов. В частности, в тот период в регионе усилились интеграционные процессы между различными этносами, и еще более активизировался процесс «тюрко-согдийского симбиоза». В результате центральноазиатская цивилизация вышла на следующий этап своего развития. С этой точки зрения изучение истории государственности этносов, игравших важную роль в формировании народов, в частности узбекского народа, на территории Западно-тюркского каганата, именно в княжествах Согдийского оазиса, таких как Самарканд, Иштихан, Панч, Кеш и др. имеет научное и практическое значение.

Данное исследование служит решению задач по развитию научно-исследовательской и инновационной деятельности, научных исследований,

популяризации и обогащении богатой истории нашего народа, и его материального и культурного наследия, обозначенных в Указе №УП-4947 Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года¹, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, Распоряжении Президента Республики Узбекистан №Р-5181 «О совершенствовании охраны и использования объектов материального культурного и археологического наследия» от 18 января 2018 года и в Указе Президента РУз № 6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 г.» от 29 октября 2020 года и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Западно-тюркский каганат (568-740 гг.), возникший в результате политических процессов в Тюркском каганате (552-744 гг.) и являвшийся его составной частью, включал в себя более 20 вассальных владений, методы и средства управления которыми наименее изучены в исторической науке на сегодняшний день.

Данный вопрос частично нашел свое отражение в научных публикациях некоторых исследователей, начиная с конца XIX и начала XX вв. В последующие годы историками изучались те или иные аспекты проблемы. В целом, историографии вопроса посвящен второй параграф первой главы диссертации, а в основной части автореферата представлены подробные выводы по данной главе. Большинство исследователей в основном рассматривало некоторые аспекты взаимоотношений Западно-тюркского каганата и Согда, но до сегодняшнего дня не было осуществлено специального комплексного исследования, освещающего систему вассального управления в рамках владений Согдийского оазиса.

Связь диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения. Данное исследование выполнено в соответствии с планами научно-исследовательских работ Каршинского государственного университета в рамках фундаментального проекта №ОТ-Ф8-002 «Влияние современной цивилизации на социальный облик человека» (2016-2020 гг.).

Целью исследования является выявление взаимодействия между кочевыми и оседлыми культурами путем изучения управления Согдийского оазиса Западно-Тюркским каганатом.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/docs/3107042>.

Задачи исследования:

осветить сущность и содержание управления Согдийского оазиса со стороны Тюркского оазиса;

внести ясность в происхождение местных династий, правивших в Согдийском оазисе;

